

Бухоро давлат университети расмий веб-сайти  
"Электрон кутубхона" интерактив хизмати регламенти

## **1.Хизмат таърифи**

### 1.1. Хизматнинг номланиши

“Бухоро давлат университети электрон кутубхонаси”

### 1.2. Хизмат натижаси

Бу интерактив хизмат орқали фойдаланувчи қуйидаги маълумотларни олиши мумкин:

1. Мавжуд электрон ресурсларнинг каталоги билан танишиш.
2. Маколалар, тадбирлар, видеоматериаллар ва ва бошка фойдали манбалар билан танишиш
3. Мавжуд ва рухсат берилган электрон ресурсларни кўчириб олиш.

### 1.3. Интерактив хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар

### 1.4. Хуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2011 йил 5 июлдаги 198 сонли қарорига асосан.

### 1.5. Бажариш муддати

Мавжуд электрон ресурсларнинг ҳажми ва турига қараб белгиланади.

## **2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш**

### 2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурувжаат қилган ҳар қандай фуқаро сайтдаги университет электрон кутубхонаси интерактив хизматига босса

унда Кутубхона веб сайти (<http://elib.buxdu.uz/>) очилади ва маълумотлар такдим этилади.

## 2.2. Батафсил маълумот олиш

Интерактив хизмат буйича батафсил маълумотларни <http://elib.buxdu.uz> веб сайтидан ёки Ахборот ресурс марказидан олиш мумкин

## 2.3. Сўровнома буйича маълумот олиш

Интерактив хизматдан Интернет тармоғи орқали кечаю-кундуз маълумот олиш мумкин.

## 2.4. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Бухоро шаҳар, М.Иқбол, 11 уй.  
Мўлжал: Бухоро фавворалар боғи  
Транспортлар: 6, 76, 25, 83, 72-автобуслар, Олмос кафеси бекати

## 2.5. Фойдаланиладиган бланкалар

"Электрон кутубхона"хизмати бланкалари тўғрисида батафсил маълумот ва хизматдан фойдаланиш фойдаланувчи томонидан Бухоро давлат университети расмий Веб-сайти ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) интерактив хизматлар бўлимида "Электрон кутубхона"хизмати орқали амалга оширилади.

## 3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

### 3.1. Иш вақтлари

Интерактив хизматдан Интернет тармоғи орқали кечаю-кундуз фойдаланиш мумкин.

### 3.2. Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

Интернет тезлиги 1024 Кб/с бўлганда. хар бир йўналиш ҳақида керакли маълумотни олиш учун тахминан 15 сония вақт сарфланади.

## 4. Хизмат кўрсатиш тартиби

### 4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар

Талаб қилинмайди

#### 4.2. Хизмат тўлови

Бепул

#### 4.3. Интерактив хизмат кўрсатиш босқичлари

Интерактив хизмат институт АРМ ходимлари томонидан ташкиллаштирилади. Масъул ходимлар томонидан қуйидагилар тақдим этилади:

1. Мавжуд электрон ресурсларнинг библиографик ёзувлари;
2. Электрон ресурс тури
3. Мавжуд электрон ресурс.

Электрон ресурс буйича маълумотларни киритиш механизми Университет илмий кенгаши томонидан тасдиқланган регламент асосида амалга оширилади. Интерактив хизмат маълумотлар базаси техник таъминотини юритиш университет АТМ томонидан амалга оширилади

#### 4.4. Давлат хизматини кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

Интерактив хизмат сўров жавоб усулида амалга оширилади.

#### 4.5. Рад этиш сабаблари

Интерактив хизматни тақдим этишни рад этишга интерактив хизмат кўрсатиш дастури ўрнатилган серверда профилактик ишлар ўтказилаётганлиги асос бўлиши мумкин.

**«КИРИТИЛДИ»**

Ахборот ресурс маркази  
бошлиғи

\_\_\_\_\_ Х.Л. Салихова

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2016 йил

**«КЕЛИШИЛДИ»**

Ахборот технологиялар маркази  
бошлиғи

\_\_\_\_\_ М.З. Хусенов

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2016 йил